

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10479365>

Турғунбоев Мұхаммадодил Ғофуржон ўғли

Farg'ona davlat universiteti magistranti

Annatatsiya: Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлашнинг норматив ва хуқуқий асослари

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган.⁵⁶

Ўзбекистонда ногиронлик тиббий ва хайрия моделларининг бирлашувидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади: «ногирон одам – ўзининг жисмоний ёки ақлий заифликлари оқибатида ишлаши чекланганлиги туфайли ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтоҷ инсондир»⁵⁷

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ногиронларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга катта эътибор берилмоқда. 1991 йил ноябр ойида «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг 2009 йил 27 февралдаги «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясини имзолаган дастлабки давлатлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek: «Исонларнинг ногиронларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, атрофдагиларни уларнинг жамиятда тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки ҳақида хабардор қилиш ногиронларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўта муҳим ва биринчи навбатдаги қадам ҳисобланади»⁵⁸. Бу эса Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсатини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини очиб бериш заруратини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 2705-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-

⁵⁶ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi <https://constitution.uz/oz/clause/index>

⁵⁷ O'zbekistonda nogironligi bo'lgan bolalar va kattalar ahvolining tahlili. Birlashgan Millatlar Tashkiloti (O'zbekiston) 2019 yil https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3621/file/Brief_PWD_SitAn_UZB.pdf

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz

сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 августдаги Р-5006-сонли «Ногиронларни давлат томонидан қўллабқувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари қамраб олинган.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 9 млн. 800 минг нафардан зиёд 16 ёшгача болалар бўлиб, уларнинг 100 минг 110 нафарида ногиронлик бор. Ногиронлиги бор болаларнинг 54 минг 846 нафари ўғил, 45 минг 264 нафари қизлар. Уларнинг 43 минг 47 нафари шаҳарларда, 57 минг 63 нафари қишлоқ жойларда истиқомат қиласди. Ногирон болаларнинг 51 минг 56 нафари туғма ногирон бўлиб, 49 минг 54 нафарида орттирилган ногиронлик мавжуд.⁵⁹

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйича 6 та болалар мурувват уйи мавжуд бўлиб, уларда 1 минг 908 нафар ногиронлиги бор болалар (жами ногиронлиги бор болаларнинг 1,9 фоизи) парваришланмоқда. Ушбу муассасаларда таъминот (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар ва бошқалар) тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилмоқда. Мурувват уйларида ҳар 2 нафар ногиронлиги бор болага ўртача 1 нафардан тарбиячи (енага) тўғри келяпти, улар давлат бюджети ҳисобидан ойлик олиб ишлаб келмоқда.⁶⁰

Таъ'кидлаш лозимки, ногиронлиги бўлган болаларнинг аксарият қисми, я'ни 98 минг 202 нафари (98,1 фоиз) ўз оиласида ота ва оналар қарамог'ида парваришланмоқда.⁶¹ Ушбу ногиронлиги бўлган болаларнинг кўпчилиги таянч-ҳаракат тизими, асаб ва руҳий касалликларга чалинган бўлиб, доимий парваришга муҳтож. Бундай парваришни амалга ошириш катта саъй-ҳаракат, ирова ва вақтни талаб этиб, айниқса, қишлоқ жойларда бундай парваришни хўжалик фаолияти билан биргалиқда амалга ошириш жуда мушкул ҳисобланади. Қайд этиш лозимки, ўз оиласида парваришлананаётган ногиронлиги бор болалар эҳтиёжи (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар ва уларни парваришлаш) учун давлат бюджетидан ҳеч қандай харажатлар амалга оширилмайди.

Республикада имконияти чекланган болалар учун 86 ихтисослаштирилган мактаб ва интернат, 23 санаторий-типдаги мактаб-интернат, 122 махсус мактабгacha таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда имконияти чекланган болаларга коррексион ёрдам кўрсатадилар. Шу билан биргалиқда республикамиизда

⁵⁹ Ulug'bek VAFOYEV. Nogironlarni parvarish qilayotgan kishilarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish lozim// Xalq so'zi. 29 Sentyabr 2020 <https://xs.uz/uz/post/nogironlarni-parvarish-qilayotgan-kishilarining-izhtimoj-himoyasini-kuchajtirish-lozim>

⁶⁰ Ulug'bek VAFOYEV. Nogironlarni parvarish qilayotgan kishilarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish lozim// Xalq so'zi. 29 Sentyabr 2020 <https://xs.uz/uz/post/nogironlarni-parvarish-qilayotgan-kishilarining-izhtimoj-himoyasini-kuchajtirish-lozim>

⁶¹ Ulug'bek VAFOYEV. Nogironlarni parvarish qilayotgan kishilarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish lozim// Xalq so'zi. 29 Sentyabr 2020 <https://xs.uz/uz/post/nogironlarni-parvarish-qilayotgan-kishilarining-izhtimoj-himoyasini-kuchajtirish-lozim>

Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар учун “Муруват” (28 та), “Саховат” (6 та) интернат-уйлари мавжуд. Ижтимоий реабилитация чоралари касалликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тиббий-реабилитация ишлари, коррексион ўқитиш ва тарбиялаш, ижтимоий ва меҳнатга йўналтиришни ўз ичига олади.

Мустақиллик йилларида уларнинг таълим олишлари кўлами ва тури янада кенгайди. Илгари имконияти чекланган болалар фақат уйда якка тартибда ва маҳсус мактаб интернатларда таҳсил олиш билан чекланган бўлса, бугунги кунга келиб улар учун яна бир таълим тури, яъни инклюзив таълим тизими жорий қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида 12 717 нафар болалар ихтисослаштирилган мактабларга жалб қилинган эди. 2017 йилга оид маълумотларга кўра, болаларнинг 18 520 нафари маҳсус мактаб интернатларда, 2 890 нафари инклюзив асосда, 9 24320 нафари уйда таҳсил олмоқда.⁶²

Демак, инклюзив таълим тизими 1996 йилда Ўзбекистонга кириб келган бўлса ҳам (дунё миқёсида эса 1990 йилдан қўлланила бошлаган)⁶³, ҳали тўлиқ йўлга қўйилмагани сабабли ихтисослаштирилган мактабларда таҳсил олаётган болалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда ва бошқа таълим турларига нисбатан кўпроқни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ва ХИВ Параалимпия ўйинларида иштирок этишига тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори асосида ногиронлиги бўлган шахслар спортида туб бурилиш ясалди. Имконияти чекланганлар спортини ривожлантиришда Ўзбекистон миллий параалимпия ассоциацияси ҳам муҳим ўринни эгаллайди.⁶⁴

Мамлакатимизда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб, 2008 йил 11 июлда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилингани, 2009 йил 27 февралда БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияси, 2011 йил 30 майда Президентимизнинг «2011 — 2015-йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда ҳукуматимизнинг қатор қарорлари имзолангани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган 700 мингдан ортиқ шахс, жумладан, 16 ёшгача ногиронлиги бўлган 100 мингдан ортиқ бола истиқомат қилиши эътиборга олинса, мазкур қонуннинг долзарблиги ва аҳамияти яққол намоён бўлади.⁶⁵

⁶² Холикулова Ҳулкар. Юлдашевна ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати (1991-2014 йй.) 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018.

file:///C:/Users/User/Downloads/ozbekistonda_imkoniyati_cheklangan_shaxslarni_himoya_qilish_siyoasi_1991-2014_jj.%20(1).pdf

⁶³ Шомахмудова Р. Инклузив таълим (Халкар ва Ўзбекистондаги тажрибалар). – Тошкент, 2011. – Б. 8.

⁶⁴ Бойкобилов Ж. Паралимпиачиларимизнинг улкан галабалари / Спорт. 2014 йил 22 октябр, – №42, – Б.1-2.

⁶⁵ Акмал САЙДОВ, “Инсон ҳукуклари йўлида харакатга даъват” 2021 йил 23 февраль, 38-сон <https://yuz.uz/file/newsaper/1840741b9959315b7230e329c1a60c46.pdf>

Шунингдек, мамлакатимизда 2020 йил 15 октябрда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун⁶⁶ қабул қилинди. 2021 йил 17 январдан кучга кирган ушбу қонун 2008 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг ўрнини босади. Мазкур қонунни ишлаб чиқишида БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидалари, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби 10 дан ортиқ хорижий давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид қонунлари ўрганилган. Бугунги кунда Олий Мажлис палаталарида БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш билан боғлиқ ишлар изчил бажарилмоқда. Айни пайтда эса конвенциянинг халқаро стандартлари ва талабларини, шунингдек, “ногирон” сўзи ўрнига “ногиронлиги бўлган шахс” атамасидан фойдаланишни назарда тутивчи янги қонун мамлакатимизнинг юқоридаги тоифага мансуб вакиллари ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2021-йил 22 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгashi 46-сессиясидаги нутқида “Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни”⁶⁷ таклифини киритдилар

Умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишилаган оналарга ижтимоий нафақа тўланмасди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “...ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши керак. Умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишилаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа турини жорий этамиз”⁶⁸, – деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ногиронлик бўйича нафақалар. Ногиронлик содир бўлган ҳолларда, яъни меҳнат қобилияти доимий ёки узоқ муддатга йўқотилганда, фақат I- ва II-гурӯҳ ногиронларига тайинланади ва тўланади. Фуқароларнинг меҳнат қобилиятларини йўқотганлик даражасини аниқлаш учун тиббий текширишни фақат тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ўзлари тасдиқлаган низом асосида шаҳар ёки туман ижтимоий таъминот бўлимлари йўлланмаси бўйича амалга оширади. Ишлаб турган ёки яшашнинг бошқа манбаларига эга бўлган I- ва II-гурӯҳ ногиронларига нафақа тўланмайди.⁶⁹

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/docs/5049511>

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2021-йил 22 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгashi 46-сессиясидаги нутқи <https://yuz.uz/file/newspaper/1840741b9959315b7230e329c1a60c46.pdf>

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>

⁶⁹ Q.X. Abdurahmonov, B.X. Umurzakov, X.X. Abdurahmanov. Aholini ijtimoiy muhofaza qilish.O’quv qo’llanma. TOSHKENT – 2019. Б.66. <http://ilmiy.bmti.uz/blib/files/86/Aholini%20ijtimoiy%20muhofaza%20qilish.pdf>

Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа меҳнатда майибланиш ҳодисалари ёки касб касаллигидан ташқари кетма-кет икки ойдан ва календар йилда уч ойдан ошмаган муддатга берилади. Ишлаётган имтиёзли жиҳатдан иккинчи жаҳон уруши ногиронларига тенглаштирилган ногиронларга, Чернобил АЭСдаги фалокат ёки унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ сабабларга кўра ногирон бўлган шахсларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси кетма-кет тўрт ойгача ёки календар йилда беш ойгача берилади. Агар ишлаётган ногироннинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли юз берса, нафақа у тўла соғайгунча ёки меҳнатда майибланиш ёхуд касб касаллиги билан ногиронлик гуруҳи қайта кўриб чиқилгунга қадар тўланади. Сил касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа шахс тўла соғайгунга қадар